



12.08.2021 № 11-13/768

Sizning _____

100021, O'zbekiston Respublikasi,
Toshkent sh., Chorsu m., 21
Faks: 244-83-68, tel. 120-48-48
e.mail: office@doridarmon.uz

**«Дори-Дармон» АК
акциядорларига
(руйхат бўйича)**

**«DORI-DARMON» акциядорлик компанияси акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида
ХАБАРНОМА**

Хурматли акциядорлар!

«DORI-DARMON» АК Кузатув кенгашининг 2021 йил 11 августдаги қарорига асосан Компания акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2021 йил 10 сентябрь куни, Тошкент шаҳар, Чорсу майдони, 21-уйда жойлашган Компания мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш соат 11:00 да бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 10:00 дан бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 10:50 да тугатилади Умумий йиғилиш ўтказиш учун Компания акциядорлари реестри 2021 йил 06 сентябрь ҳолатига тузилади.

Электрон почта манзили: office@doridarmon.uz.

Кун тартиби:

1. «DORI-DARMON» АК кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
2. «DORI-DARMON» АК тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар, Чорсу майдони, 21-уйда жойлашган «DORI-DARMON» АКнинг биносида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача танишишлари мумкин.

Телефон: 78 120-38-28

Молия бўйича директор



И. Разаков